

Мавзу: Боғ экинлари зараркундаларининг энтомофаглари ва акарифаглари.

РЕЖА:

- 1.** Боғлардаги мева ўргимчакканасининг акарифаглари.
- 2.** Калифорния қалқондорлари ва бошқа қалқондорларнинг энтомофаглари.
- 3.** Барг ўровчилар ва баргхўрларнинг энтомофаглари.
- 4.** Боғларда учрайдиган акарифаг ва энтомофагларнинг биологик усулдаги аҳамияти.

1. Боғлардаги мева ўргимчакканасининг акарифаглари.

Боғларда ғўзадагига нисбатан кўп миқдорда акарифаглар тарқалган. Ғўзадагига нисбатан кўп йиллик мевали боғларда 14 турдаги йиртқич каналар шуларнинг 2 тури йиртқич фитофейитлар авлодига мансуб бўлган йиртқичлардир.



Оддий антокарис- бу қандала тўкилган барглар, пўстлоқлар тагида қишлайди. У апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида қишловдан чиқиб олмазор боғларидаги қизил ўргимчаккана билан овқатлана бошлайди. Бундан ташқари антокорис ширалар ва бошқа майда ҳашаротларни ҳам еб хаёот кечиради. Антрокарис қандаласининг оналиги битта-биттадан қилиб олма баргини устки қисми эпидермисига тухум қўяди.

Антокориснинг тухум қўйиш даври 2 ойгача давом этади. Қўйган тухумдан чиққан авлоди беш ёшни ўтайди. Антокорис полифаг ҳисобланиб катта кандала ва унинг қуртлари 37 хил ҳашарот ва каналар билан овқатланади ўлжалари ичида ҳатто стеторуснинг курти, олтинкўз стафиллинид фитосеид йиртқич кана кабилар билан ҳам овқатланади. Антикарис боғлардаги кизил мева канаси йил буйи алоқада бўлади. Антокорис йилига 2 марта авлод беради оналиги 100 донагача тухум куйади.

Семиз амблисенус олма дарахти пўстлоқлари тагида тукилган барглар остида тўп-тўп 10-20 донадан бўлиб кишлайди. Қишлашдан ҳаво ҳарорати 10-20 0С исиганда чиқади. Амблисенус олма



баргида тарқалган кизил мева канаси тўплами ичига ўз тухумини май ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб якка –якка қилиб қуяди. Табиатда 35 - 40кун яшайди. Йилига 3-4 авлод беради, бу олмадаги кизил кананинг энг самарали энтомофаг – акарифаги ҳисобланади. Унинг қуртлари чиқиб дастлаб, ўргимчаккананинг тухумлари кейинчалик етук ўргимчакканаларни еб ҳаёт кечира бошлайди.



Бир дона стеторус ва унинг курти бир кеча кундузда 120 донагача ўргимчаккананинг тухуми ва етук ургамчакканани кемириб йўқотади. Ўргимчакканалар билан ҳаёт кечирадиган яна бир асосий фойдали ҳашарот бу фитосейўлюсдир,

фитосейўлюс йил буйи ривожланади ва кўпаяди, шунинг учун ҳам у ўргимчаккананинг асосий акарифаглари ҳисобланади. Бир дона фитосейўлюс об ҳавонинг иссиқлиги +30⁰С бўлса намлиги 60-70 % бўлса кунига 50 донагача етук кана ва унинг тухумини еб тугатади.

2. Калифорния қалқондорлари ва бошқа қолқондорларнинг энтомофаглари.

Ширалар мевали дарахтларнинг энг хавфли сўрувчи зараркунандалари ҳисобланади. Ширалар ўсимлик ширасини сўриш билан ҳаёт кечиради, натижада ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир курсатади. Ғўзада 3 турдаги ширалар (полиз, беда, катта пахта шираси) мавжуд. Умуман табиатда шираларнинг 50 турдаги табиий кушандалари мавжуд. Булар шира танасида текинхўрлик билан ҳаёт кечирувчи яйдоқи аридидлар, хон қизи, визиллдоқ пашша, лейкопис шираси, галлица пашшаси, олтинкўз кабилар шираларнинг табиий кушандалари ҳисобланади.

Мевали дарахтлардаги шираларга қарши биологик кураш усулида яхши фойда келтирадиган икки турдаги текинхўрлардан Лизифлебус фабарум ва параониолюкиедир.

Лизифлебус фабарум ширасларга ўз тухумини қуяди, у қўйган тухуми шира билан озикланиб табиатга янги Лизифлебус фабарум учиб чиқади. Бизнинг шароитимизда Лизифлебус фабарум 6-7 марта авлод беради. Бир дона оналик Лизифлебус фабарум 100 донагача тухумини ширага қуяди. Айрим ҳолларда бу текинхўрлар билан 50 % гача ширалар зарарланади. Хонқизлари бу йиртқич фойдали ҳашаротлар тухумини ширалар тўплами орасига қуяди ва ундан 3-4 кундан сўнг авлоди қурти чиқиб ширалар билан овқатлана бошлайди, кунига 100 донагача ширани еб тугаллаши мумкин. Бир дона хонқизи қўнғизи 5000 донагача ширани еб тугаллаши мумкин.



Ўзбекистон шароитида хон қизи қўнғизлари 2 марта авлод беради. Ғўзада етти нуқтали ва ўзгариб турувчи хон қизи қўнғизлари ширани кемириб ҳаёт кечиради.

Виззилдоқ пашшалар ёки сирфидлар табиатда жуда кўплаб учрайди. Сирфидларнинг тухумидан чиққан қуртлар ширалар билан овқатланади. Бир кеча - кундузда сирфидларнинг қуртлари 50-60 донагача шираларни еб тугатади, бир авлоди мобайнида унинг бир донаси 500-600 донагача шираларни еб тугаллайди. Ўзбекистон шароитида виззилдоқ пашша 9-10 марта авлод беради.

Олтинкўз бу ҳаммахўр фойдали ҳашарот бўлиб, олтинкўзнинг тухумидан чиққан қурти бир неча кундузда 80-100 донагача шира ва 200 донагача ўргимчакканани еб тугаллайди. 5-6 марта авлод беради. Леикопис пашшалари-бўларнинг қуртлари кунга 150-200 донагача ширани еб тугатади, йилига 4-5 марта авлод беради. Бизнинг шароитимизда Леикопис паллидолинеата, леикопис глифенниора кўпроқ учрайди, бу олма дарахтидаги шираларни кеч кўзгача еб ҳаёт кечиради.

3. Барг ўровчилар ва баргхўрларнинг энтомофаглари.

Галлица пашшаси-буни оёқлари узун яйдоқчиларга ўхшаш бўлиб, бу пашшанинг битта қурти бир авлоди мобанида 80-100 донагача ширани еб тугатади, йилига 4-5 марта авлод беради.

Асосан ширалар билан овқатланиб ҳаёт кечирадиган кокцинеллидлар авлодига мансуб бўлган фойдали ҳашаротлар ҳисобланган хон қизи кўнғизларидан икки нуктали, 14 нуктали ва бошқалари шираларнинг сонини камайтиришда пахтачиликда ва боғдорчиликда сабзаёт-полизчиликда катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни асраш ва биологик усулда фойдаланиш шу куннинг асосий вазифасидир.

Мевали дарахтларнинг канахўр ва ширахўр фойдали ҳашаротлари мевали дарахтларга кучли зарар етказадиган ўргимчаккана ва шираларнинг сонини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, канахўр нуктали стеторус

уч донаси ва иккита кичик ёшдаги қурти беш кунда 3000 дона ўргимчаккана ва унинг тухумини кемириб еб тугатади.

Шираларнинг табиий кушандаларидан етти нуқтали хон қизи қўнғизи, ўзгариб турувчи қўнғиз, сирфиид пашшалари, оддий олтинкўз, оддий парагус, лейкописнинг

шираларнинг сонини камайтиришда бўлиб, улар ғўзанинг зараркунандаларига энтомофаглар



3 та турдагиси пахтазорлардаги катта аҳамиятга эга сўрувчи қарши табиий сифатида

қўлланилса, уларни табиатда қўпайишига имкон яратилса, пахтазорларда биологик усулни кенг жорий этишга муҳим ҳисса қўшилган бўлади.

Урғочиларида 10-12 кундан кейин ярим шарсимон қалқон, оёқ ва мўйлови хосил бўлади ва 30-35 кунда уларнинг ривожланиши тугалланади. Бу даврда урғочиларни ўлчами 3 марта ортиб боради. Эркак личинкалар 12-15 кундан сўнг етук қанотли зотларга айланади. Эркаклари табиатда кам учрайди, уларни миқдори 5-31%гача бўлади.

Урғочисини танаси қовариқ, думалоқ, овалсимон, асоси кенг, саргиш-жигаррангда, унинг катталиги озикланиш шароитига ва ўсимлик ҳалтача боглиқ холда ўлчами ўзгариб боради.

Узунлиги 4-6 мм, эни 2-4 мм, бўйи 4 мм. Эркакининг узунлиги 1,5-1,6 мм, чўзинчоқ, кўкрак, бош ва қорин қисми ажралиб туради.

Тухумининг ўлчами 0,3 мм, эни 0,17 мм, овалсимон. Биринчи ёшдаги (дайди) личинканинг ўлчами 0,4 мм, овалсимон, оқиш-сарик рангда ва II ёшдаги қишловчи личинкалар қизгиш-жигарранг, оёқлари тўлиқ ривожланган бўлади.

4. Боғларда учрайдиган акарифаг ва энтомофагларнинг биологик усулдаги аҳамияти.

Оталанган урғочи қалқондорлар тухум қўйишига киришади. Бу жараён 6-10 кунда тамомланади. Пушторлиги юқори 1500 тага етказиб тухум қўяди. Тухумлардан 20-25 кундан сўнг личинкалар чиқади, уларнинг чиқиши оммавий бўлиб барг, мева, барг бандлари



билан кузгача озиқланади. Тухумдан чиққан личинкалар 7-10 кун ичида пўст ташлаб иккинчи ёшга ўтади. Кузни бошларида улар озиқланишдан қолади ва поя, шохларга, маҳкам ёпишиган холда қишлаш учун кетади.

Бизнинг шароитда 2 марта авлод беради. Дарахтлардаги шираларни сўрилиши бир неча йил давом этганда улар қурийди ёки қишга чидамсиз бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари урғочилари ўзидан кўп миқдорда киём шудрингини ажратиб туради. Бу ҳолатда сапрофит бўлган замбуруглар пайдо бўлади.

Иккинчи ёшдаги личинкалар коккофагае авлодига мансуб бўлган текинхўрлар томонидан кучли зарарланади. Уларнинг зарарланишини 2чи ёшдаги личинкаларнинг танасининг қорайтириб қолишидан билса бўлади.

Бинафша рангли қалқондорда паразитларнинг уч тури Аниқланган ва улардан энг самаралиси *Anthemus aspidioti* Nikдир. Бу паразит қалқондорни 10.2-13.6% зарарлайди.

Ўрта Осиё вергулсимон қалқондорида паразитларнинг икки тури аниқланган, аммо уларнинг роли унча сезиларли эмас. қалқондор паразитлар билан 4.2-7.9% зарарланади.

Шундай қилиб, 2009-2011-йиллар мобайнида Тошкент вилоятларида қалқондорлар ва унга қарши кураш чораларини ташкил этиш юзасидан олиб борилган кузатувлар ва тажрибаларимиз асосида шунини эътироф этиш мумкинки, ҳозирги кунда ушбу зараркунанда мавжуд бўлган қалқондорлар тарқалиб кетишини олдини олиш мақсадида ички карантин тадбирларини ўтказиш катта амалий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Зараркунанда тарқалган ҳудудларда шикастланган ҳар бир дарахтини ҳисобга олиш, ўсимликларни зарарланиш даражасини назорат этиб туриш ва шулар асосида эрта баҳордан то кеч кузга қадар ташкилий – хўжалик, олдини олиш мумкин